

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий ИЛМий КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГЕМАТОЛОГИЯ
ИЛМий АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АЧИЛОВА ОЗОДА УМАРКУЛОВНА

**МИЕЛОМА ХАСТАЛАРДА НЕФРОПАТИЯ ВА СУЯК ТИЗИМИДАГИ
БУЗИЛИШИ СИНДРОМЛАРИНИ ДАВОЛАШНИНГ ЯНГИ
УСУЛЛАРИ**

14.00.29 – Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ачилова Озода Умаркуловна

Миелома хасталарида нефропатия ва суяк тизимидаги
бузилиши синдромларини даволашнинг янги усуллари..... 3

Ачилова Озода Умаркуловна

Разработка нового подхода лечения больных с
множественной миеломой, осложнённой нефропатией
и костно-деструктивным синдромом..... 25

Achilova Ozoda Umarkulovna

Development of a new approach to treating patients
with multiple myeloma, complicated by nephropathy and
bone-destructive syndrome..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 49

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий ИЛМий КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГЕМАТОЛОГИЯ
ИЛМий АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АЧИЛОВА ОЗОДА УМАРКУЛОВНА

**МИЕЛОМА ХАСТАЛАРДА НЕФРОПАТИЯ ВА СУЯК ТИЗИМИДАГИ
БУЗИЛИШИ СИНДРОМЛАРИНИ ДАВОЛАШНИНГ ЯНГИ
УСУЛЛАРИ**

14.00.29 – Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Tib695 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган Гематология илмий амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Каримов Хамид Якубович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исхаков Элдор Джасурович
тиббиёт фанлари доктори

Абдихакимов Абдулла Нусратиллаевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ кунни тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ш.А. Бабаджанова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда тадқиқотчилар диққати ва қизиқишини миелом касаллиги (МК) муаммоси ўзига қаратмоқда. Ушбу ҳолат «...касалликни ривожланиш генезини оғишмай ўсиши ва мураккаблиги, беморлар ҳаёт сифатини сезиларли пасайтирувчи нефротик ва остеодеструктив асоратлар сонини юқорилиги ва уларни эрта ўлимини юзага келтириши билан боғлиқдир...»¹. Шу билан боғлиқ ҳолда замонавий тиббиёт даволашга жавоб мезонларини, плато фазаларининг муваффақиятлари ва уларнинг давомийлигини ўз ичига олган МК беморларини даволаш самарадорлигини баҳолаш учун маълум мезонларни талаб этади...»². Миелом касаллигининг клиник белгилари қатор мутахассислар томонидан етарли даражада яхши ўрганилган ва баён этилган...»³. Бироқ, индивидни алоҳида ижтимоий даражада ўз вазифасини бажаришига таълуқли бўлган ҳаёт фаолиятидаги чегараланишлар билан турли бузилишларни ўзаро боғлиқлиги миелом касаллигида беморларнинг мобиллиги, ўз-ўзига хизмат қилиши, маиший ҳаёти ва ҳаётининг асосий соҳаларига оид маълумотлар жуда озчиликни ташкил этади ва ягона хулосани беришга имкон бермайди.

Жаҳонда миелом хасталарда нефропатия ва суяк тизимидаги бузилиши синдромларини даволашнинг янги самарали ёндошувларини излаш ва ишлаб чиқишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Шу билан боғлиқ ҳолда касалликни клиник ва биокимёвий маркерларини баҳолашни ўтказиш ва миелом беморларида суяк ва буйрак асоратларини ривожланишидаги уларнинг аҳамиятини асослаш муҳим. Қоннинг иммунокимёвий ва биокимёвий кўрсаткичлардаги ўзгаришлар билан миелом нефропатияси ва суяк-скелет асоратлари оғирлигини намоён бўлиши орасидаги алоқасини ҳамда даволашга стандарт ёндошувдан сўнг суяк ва буйрак асоратлари бўлган беморларнинг умумий яшовчанлиги ва ҳаёт сифатини баҳолашдан иборат. Нефропатия ва суяклар синиши билан асоратланган миелом касаллигида таклиф этилган комплекс даволашни қиёсий таҳлил қилиш миелом беморларида буйрак ва суяк асоратларини ривожланишини башоратлашда клиник, асбоб ускуналар ёрдамида ва лаборатория маркерларини баҳолаш ёндошувларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қатор

¹Swan, D., Lynch, K., Gurney, M., & O'Dwyer, M. (2019). Current and emerging immunotherapeutic approaches to the treatment of multiple myeloma. *Therapeutic Advances in Hematology*, 10, 204062071985417. doi:10.1177/2040620719854171.

²Moreau, P., Zamagni, E. & Mateos, M. Treatment of patients with multiple myeloma progressing on frontline-therapy with lenalidomide. *Blood Cancer J.* 9, 38 (2019). <https://doi.org/10.1038/s41408-019-0200-1>.

³Salahuddin A.Z., Alam M.R., Hossain R.M., Feroz S., Zannat H., Mondal M.C., Roy A.S., Robbani M.G., Uddin M.B., Kadir M.S. Renal Involvement as a Presenting Feature of Multiple Myeloma. *Mymensingh Med J.* 2019 Jul;28(3):527-535

вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»⁴ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалармиелом хасталарида нефропатия ва суяк тизимидаги бузилиши синдромларини даволашнинг янги ёндошувинитанлашда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касаллик асоратлари натижасидаги юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилиш даражаси. Миелом касаллигини нефротик ва остеодеструктив асоратларини даволашга янгича ёндошувларни ишлаб чиқиш, жумладан замонавий тиббиётда нефротик ўрин босувчилар терапия давоси ва остеосинтез жарроҳлик усули билан даволаш, кам самарали усулларни сиқиб чиқаради ва жаҳондаги қатор тиббий марказларда ўрганишнинг устувор йўналиши бўлиб ҳисобланади. (M. Kehler, S. Koob, A. Kehler, D. Ch. Wirtz, J. Schmolders. Multiple Myeloma – Current Standards in Surgical Treatment, 2019; S. Rocchi, P. Tacchetti, L. Pantani, K. Mancuso, V. Zannetti, M. Cavo, E. Zamagni. Safety and efficacy of daratumumab in dialysis-dependent renal failure secondary to multiple myeloma, 2018). Кўплаб марказлар МК беморларини такрорланишсиз яшовчанлигини оширишда ўзак ҳужайраларни кўчириб ўтказиш ва кимёвий усуллар билан даволаш баённомаларини қўллашни баҳолашга бағишланган илмий тадқиқотларни ўтказмоқдалар. (M.Htut, A.D'Souza, A. Krishnan, B.Bruno, M.-J.Zhang, M.Feiet al., 2018; Jain, T., Sonbol, M. B., Firwana, B., Kolla, K. R., Almader-Douglas, D.,

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Palmer, J., & Fonseca, R., 2018.). Шунингдек, Россиялик муаллифлар томонидан миелом касаллигини ташхислаш ва даволашга янгича ёндошувлар ишлаб чиқилган. (Е.В. Крюков, В.Н. Троян, О.А. Рукавицын, С.В. Козырев, И.Г. Дараган-Суцов, В.П. Поп, С.А. Алексеев, 2018). Бироқ, миелом касаллигининг асоратларини даволаш бўйича мавжуд бўлган тадқиқот натижалари миелом нефропатияси ва патологик синишларни даволашда аниқ усулларни қўллаш тўғрисида бир хилдаги хулосаларга келишга имкон бермайди, шу сабабли беморларни ушбу йўналишдаги даволаш тактикасини белгилаш ўта долзарб ва юқори талабга эга бўлган масаладир.

Ўзбекистон Республикасида инновацион технологияларни жорий этиш ва амалий тиббиёт имкониятларини кенгайтириш онкогематологик касалликлар, жумладан ўзига тор соҳа мутахассисларини (гематологлар, нефрологлар, невропатологлар, нейрожарроҳлар, радиологлар, травматологлар ва бошқалар) жалб қилган ҳолда далилларга асосланган тиббиёт асосида миелом касаллигини даволашнинг интеграциялашган усулларини ишлаб чиқишга йўналтирилган ҳолда ёндошишга имкон беради, бу эса асоратли кечишга эга бўлган МК беморларини ҳаёт сифатини сезиларли оширишга олиб келади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган Гематология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий тадқиқот ишлари режалари ПЗ-20170928629 «Касалликни кечиши башоратловчи молекуляр-биологик маркерларни ҳисобга олган ҳолда миелом касалликли беморларни даволашга янгича ёндошувни ишлаб чиқиш» (2018-2020) грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: суяклар синиши ва нефропатия билан асоратланган миелом касалликли беморларни комплекс даволашга янгича ёндошувларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

касалликни клиник ва биокимёвий маркерларини аниқлаш ва уларнинг беморларда суяк ва буйракдаги асоратларини ривожланишидаги аҳамиятини баҳолаш;

қоннинг иммунокимёвий ва биокимёвий кўрсаткичлардаги ўзгаришлар билан миелом нефропатияси ва суяк-скелет асоратлари оғирлигини намоён бўлиши ўртасидаги боғлиқлиғни баҳолаш;

даволашга стандарт ёндошувдан сўнг суяк ва буйрак асоратлари бўлган беморларнинг умумий яшовчанлиги ва ҳаёт сифатини баҳолаш;

нефропатия ва суяклар синиши билан асоратланган миелом касаллигида таклиф этилган комплекс даволашни қиёсий таҳлилини ўтказиш.

Тадқиқот объекти сифатида 2017-2019 йилларда Гематология ва қон қуйиш Илмий тадқиқот институтининг клиникасида даволанган 120 нафар миелома касаллиги билан оғриган беморлар, шунингдек, назорат гуруҳи бўлиб хизмат қилган 80 нафар соғлом шахслар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида миелом касалликли беморларнинг

периферик қонидаги эритроцитлар, тромбоцитлар, лейкоцитлар миқдори, веноз қонда ЭЧТ, умумий оксил, оксил фракциялари, мочевино, азот қолдиғи, креатинин, IgG ва IgA иммуноглобулинлари, калий, кальций, D витамини; пешоб таркибидаги оксил, пешобни зичлиги, Бенс-Жонс оксилларини аниқлаш учун пешоб намунаси; суяк синишларини баҳолаш учун мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ) суратларининг материаллари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда клиник, морфологик, биокимёвий, иммунокимёвий ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миеломали хасталарда клиник-лаборатор ва асбоб–ускуналар билан аниқланган белгиларни комплекс таҳлил қилишда буйрак IgАни ажралиб чиқиши, буйраклар ўлчами ва паренхимасини камайиши, коптокчалар фильтрация тезлигини пасайиши ва касалликнинг суяк-деструктив асоратлари - D витамин даражасини пасайиши, гиперкальциемия, суякларнинг минерал зичлигини пасайиши билан боғлиқлиги асосланган;

нефропатия ва суяклар синиши оғирлиги D витамин даражасини пасайиши билан боғлиқлиги ва унинг минерал-кальций алмашинувидаги ўрни билан бирга буйраклар фаолиятининг бошқаришдаги аҳамияти исботланган;

витамин Dнинг ривожланиб борувчи етишмовчилиги суяклар синишида тажоввузкор предиктор эканлиги, гиперкальциемия эса ҳавфли ўсма хужайраларининг патологик таъсири натижасида юзага келувчи остеорезорбтив синдром ҳосиласи эканлиги аниқланган;

ўрин босувчи ортопедия ва суякларни тикловчи жарроҳлик амалиётини ўз ичига олган комплекс даволашнинг юқори самарадорлиги беморлар ҳаёт сифатини яхшилаши ва умумий яшовчанлигини узайтириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Миелом нефропатиясининг буйрак ва суяк-деструктив асоратларини ривожланишини эрта башоратлаш учун ташхисий чора тадбирлар мажмуасида текширишнинг стандарт усуллари билан бир қаторда тадқиқотга витамин Dни киритиш таклиф этилган;

нефрологик ва суяк-скелет асоратли миелом касаллиги беморларини комплекс даволашга янгича ёндошувлар ишлаб чиқилган;

ўз таркибига таргет дори воситалари олган кимёвий усул билан стандарт даволаш билан бир қаторда, ўрин босувчи буйрак даволашни эрта бошлаш тавсия этилган;

бу миелом нефропатиясининг ярмидан кўп ҳолатларида буйраклар жавобига эришишга имкон берган;

тиббий цемент, остеосинтетик конструкциялар ва пластинкани қўллаш билан олиб бориладиган тикловчи жарроҳлик амалиётлари клиникада бўлиш вақтини энг кам даражага туширишга, оёқларда ҳаракатланишни тикланишига ва бунинг натижасида ҳаётни узайиши ва унинг сифатини яхшиланишига имкон берган.

хаёт учун ҳавфли бўлган шароитлар бўлмагандаэрта ортопедик тикловчи жарроҳлик амалиётларини ўтказиш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, морфологик, биокимёвий, иммунокимёвий ва статистик усуллар асосида миеломали хасталарда нефропатия ва суяк тизимидаги бузилиши синдромларини даволашнинг янги ёндошувини ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, КМ асоратларини ривожланишини башорат қилишга имкон берувчи маркерлар аниқланди. КМнинг суяк-деструктив асоратларини ривожланишида витамин D даражаси ва патологик иммуноглобулинларни ажралиб чиқиш турининг аҳамияти аниқланди. Ҳаёт сифатини баҳолашда саломатлик кўрсаткичлари билан бирга гемоглобин ва альбумин даражаси ўртасидаги ассоциация аниқланди.

Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, миелом касаллигидаги патологик синишларда узун суяклардаги тикловчи жарроҳлик амалиётларини эрта қўллаш зарурияти исботланган. Шунингдек, кимё усулда даволаш ва гемодиализни қўллаш миелом нефропатиясининг 50% ҳолатларида буйраклар фаолиятини тиклаш ва 50% нефропатия беморлари диализга боғлиқ бўлмаган шаклга ўтади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миелом хасталарда нефропатия ва суяк тизимидаги бузилиши синдромларини даволашнинг янги ёндошувини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Қонни экстракорпорал детоксикацияси кўп сонли миеломада гипервискоз синдромни даволашда плазмаферез» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 26 февралдаги 8н-д/31-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома гемодиализни бошланиш вақтини тавсия этувчи, миелома нефропатиясини ривожланиш мезонларини аниқлашга ва миелом нефропатияли беморлар учун кузатувчи даволаш имконини берган;

«Миелом нефропатиясини даволаш алгоритми» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 26 февралдаги 8н-д/31-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома миелом нефропатиясида гипервискоз синдромни тўғрилашнинг самарали йўллари, шунингдек, гиперпротеинемия билан боғлиқ бўлган касалликни кечишини баъзи ўзига хосликларини баҳолаш имкон берган;

миелом хасталарида нефропатия ва суяк тизимидаги бузилиш синдромларини даволашнинг янги ёндошуви бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантология маркази,

Фарғона вилояти кўп тармоқли шмифохонасининг клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 6 январдаги 8н-з/2-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши нефропатияли миеломани буйрак ва суяк деструктив асоратларини ривожланиш хавфини башоратлаш сифатини яхшилаш ва шу билан биргаликда даволаш самарадорлигини ошириш ҳамда касаллик билан хасталанган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманларда муҳокома қилинган, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Миеломали нефропатиянинг замонавий қарашлари**» деб номланган биринчи бобида миелома муаммосининг умумий ҳолати тўғрисидаги замонавий тасаввурлар, ривожланиш механизмлари, шунингдек, касалликнинг буйрак ва суяк-деструктив асоратларининг маркерлари тўлиқ баён этилган. КМда буйрак ва суяк асоратларини оғирлигини баҳолаш ва ташхислашда лаборатор ҳамда асбоб-ускуналардан фойдаланиш усулларини аҳамияти очиб ўтилган. Бундан ташқари, касалликнинг ушбу тажаввузкор асоратларини даволашга турлича ёндошувлар таҳлил қилинган. Бироқ, тадқиқотнинг мавжуд бўлган натижалари бир хилдаги хулосаларга келишга имкон бермайди ва шу билан боғлиқ ҳолда ривожланишнинг эрта предикторларини ўрганиш ва КМни нефротик ва суяк –деструктив асоратларини комплекс даволашнинг янги, энг

самарали йўллари излаш мухим ва зарурий бўлиб ҳисобланади. Мазкур муаммони илмий ҳал этиш учун муаллифлик ёндошуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Нефротик ва суяк-деструктив асоратлари бўлган миеломали беморларини текшириш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материални ташкил этган беморларнинг клиник тавсифи баён этилган, мазкур ишда фойдаланилган лаборатор ва асбоб –ускуналардан фойдаланиш усуллари тўлиқ келтириб ўтилган. 2013-2019 йиллар даврида ЎзР ССВ тасарруфидаги Г ва ҚҚИТИ клиникасининг гемопозитик ўзак хужайралари билан даволаш бўйича бўлимида стационар текшириш ва даволашда бўлган нефротик ва суяк деструктив асоратли 120 нафар КМ беморларини (асосий гуруҳ: эркактар-45%, аёллар-55%), шунингдек назорат гуруҳи бўлиб хизмат қилган 80 нафар шартли соғлом шахслар компелекс текширувдан ўтказилди. Текширилганларнинг ёшини ўзгариши 35дан 81 ёш чегарасида бўлди, бунда уларнинг ёш медианаси $60,7 \pm 1,8$ ёшни ташкил этди. Беморларнинг аксарият катта сонини - 40 (66,7%), 65 ёшгача бўлганлар ташкил этган бўлса, 65 ёшдан катта бўлганларни улуши эса 20 (33,3%) ҳолатни ташкил этди.

КМ ташхиси ЖССТ (2008) тавсияномасига мос ҳолда қўйилди, бунда касалликнинг босқичи G.M. Durie ва S.E. Salmon (1975) таснифига асосланган ҳолда ўрнатилди.

Асоратларга боғлиқ ҳолда барча текширилган беморлар иккита тенг гуруҳга ажратилди: I гуруҳ (n=60) – нефропатия билан асоратланган КМ беморларива II (n=60) гуруҳ – суяк-деструктив асоратли КМ беморлари. Шу билан бирга ҳар бир гуруҳ даволаш тактикасига боғлиқ ҳолда иккита кичик гуруҳларга бўлинди: IA кичик гуруҳ (n=30) – ПХТ+ўрин босувчи буйрак терапиясини қабул қилганлар; IB кичик гуруҳ (n=30) –ПХТ қўлланган; IIA кичик гуруҳ (n=30) – ПХТ+ жарроҳлик амалиёти қўлланган ва IIB кичик гуруҳ (n=30) – ПХТ+ консерватив даволаш қўлланилган кичик гуруҳ

Тадқиқот усуллари ўз ичига клиник, лаборатор, асбоб-ускуналар ёрдамида текшириш ва статистик усулларни қамраб олди.

КМ беморларини клиник текшириш ўз ичига қуйидагиларни олди: ҳаёт анамнези ва шикоятларни энг майда қисмларгача ўрганиш билан беморни кўриқдан ўтказиш, оғир ирсиятни мавжудлигини аниқлаштириш, оғрик синдромини аниқлаш, таянч-ҳаракат тизимини шикастланиши, плазмацитомни аниқлаш, шиш ва геморрагияларни мавжудлиги ва намоён бўлиш даражаси.

Лаборатор текширишлар ўз ичига қоннинг клиник таҳлилини ўтказишни (гемоглобин даражасини аниқлаш, г/л; эритроцитлар миқдорин ҳисоблаш, $10^{12}/л$; ранг кўрсаткичи, тромбоцитлар сони, $10^9/л$; лейкоцитлар, $10^9/л$; лейкоформулаларнинг шаклли элементлари, %; ЭЧТ даражаси, мм/ч) ва хужайра элементларини морфологик ва морфометрик тавсифини ўрганиш билан суяк кўмигини баҳолашни (плазматик хужайраларни 5% кўп миқдорга ортиши мухим ташхисий аҳамиятга эга бўлди); қонни биокимёвий таҳлили (умумий оксил миқдорин аниқлаш, г/л; альбумин, г/л; мочевина, ммоль/л; азот қолдиғи, ммоль/л; креатинин, мкмоль/л; КФТ, мл/дақиқа; калий

миқдори, мкмоль/л; кальций, мкмоль/л ва витамин Д, пг/мл) ва пешобни (миқдори, тиниқлиги, ранги, умумий оқсиллар миқдори, г/л; Бенс-Джонс оқсиллари, пешобнинг зичлиги, кўриш майдонидаги лейкоцит ва эритроцитлар миқдори); зардоб Ig иммунификацияси билан КМнинг иммунохимёвий вариантыни ўрнатиш учун иммунохимёвий текширишлар (моноклонал иммуноглобулинлари Igни оғир (G, A ва ноёб типлари), энгил занжирлари (κ , λ) ва эркин занжирларини (free κ , λ) аниқланиши) ни олади.

Қоннинг клиник таҳлил кўрсаткичларини текшириш Mindray (China) гематологик анализатори ёрдамида бажарилди, шу билан бирга қоннинг шакли элементлари ва суяк кўмигини морфологик таҳлили (N-300M) ёруғлик микроскопини қўллаш билан ўтказилди; қон ва пешобни биохимёвий текширувлари «Human» фирмасининг реактивларини қўллаш билан (N-300M) ёруғлик микроскопи ва Mindray (China) биохимёвий анализаторлари ёрдамида амалга оширилди; Ig моноклонал иммуноглобулинини иммунохимёвий текшириш «InterlabPretty» (Interlab, Italy) фирмасининг асбоблари ва реактивларини қўллаш билан бажарилди.

Асбоб-ускуналар ёрдамида текшириш рўйхатига қуйидагилар киритилди: EDR-750B (Венгрия) рентгенологик аппарати ёрдамида скелет суякларни стандарт умумий рентгенографияси; скелет суякларини остеодеструкциясини майда қисмлари билан суяк шикастланишларни янада аниқ ўрганиш учун компьютер томографияси (КИ) ва мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ).

КМ беморларининг ҳаёт сифатини баҳолаш усуллари ВОЗКЖ-100 (2008 йил) валидирланган рус варианты бўйича мезонларига мос ҳолда ўтказилди.

КМ беморларини даволаш усуллари тавсифи: барча беморлар VCD (бортезомиб 1,3 мг/м² томир ичига, 1, 4, 8, 11 кунлар; циклофосфамид 400 мг томир ичига томчилаб, 1, 8 кунлар ёки 200 мг томир ичига томчилаб, 1, 4, 8, 11 кунлар ёки 50 мг ичига, 1-14 кунлар; дексаметазон 40 мг томир ичига томчилаб ёки ичига, 1 цикл –1-4 кунлар ва 8-11 кунлар, кейинчалик – 1-4 кунлар ёки 20 мг ичига, 1, 2, 4, 5, 8, 9, 11, 12 кунлар. Даволаш 22 кундан қайта тикланди) схемаси бўйича поликимё даволашни (ПКД) қабул қилдилар. ПКД курслари ўртасидаги буйраклар ўрин босувчи даволаши ҳафтада 3 марта гемодиализ (ГД) курсларини ўтказишни кўзда тутди (4 курс). Суякдаги шикастланишларни жарроҳлик усули билан даволаш ўз ичига декомпрессион жарроҳлик амалиётларини, цемент вертебрапластикани, умуртқани металл пластинкалар ва титан кейджлар ёрдамида транспедикуляр фиксациясини олди.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш Excell (Statistica 5.0 for Windows) амалий дастурини қўллаш ёрдамида шахсий компьютерда ўтказилди. Ҳар бир белгининг статистик таҳлилида асосий тавсифлар ҳисобланди, яъни: ўртача, ўртача квадрат оғиш, ўртача статистик ишончлилиқ. Гуруҳлар ўртасидаги натижалар ишончлилигини баҳолаш учун Стьюдент мезонларини қўллаш билан Фишер усулидан фойдаланилди. Натижалар $p < 0,05$ бўлганда ишончли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг «Буйрак ва суяк-деструктив асоратлари бўлган миелома беморларида клиник-лаборатор ва асбоб – ускуналар билан текширишларни намоён бўлиши» деб номланган учинчи бобида КМЛи беморларни клиник, лаборатор ва асбоб-ускуналар билан текшириш маълумотларини ўрганиш натижалари тақдим этилган. Жумладан аниқландики, нефропатия билан асоратланган КМ беморларининг клиник кўринишида уремик симптомларнинг устунлиги овқатга нисбатан жирканиш (75,5%), артериал қон босимини ортиши (63,3%), суткалик диурезнинг 500 мл/суткадан кам бўлиши (48,0%), қўл ва оёқларда шиш (45%), кўнгил айниши (45%), қайт қилиш (45,0%), тана оғирлигини ривожланиб борувчи пасайиши (25%) шунингдек кўкрак ва қорин бўшлиғига йиринг тўпланиши (8,0%) кўринишида беморларда намоён бўлади (1-расмга қаранг). Бунда шуни таъкидлаш жоизки, КМ беморларида нефропатияни ривожланишининг асосий клиник башоратли маркери бўлиб 24-48 соат ичидаги анурия эпизоди ҳисобланади.

Суяк-деструктив асоратлари бўлган КМ беморлари орасида клиник кўринишларнинг таҳлили сенишларнинг тез тез қайд этилишини кўрсатди (бел умуртқасини сениши 10,0%, кўкрак умуртқасини сениши 10,0%, бўйин умуртқасини сениши 3,3%, умуртқанинг кўкрак ва бел бўлимлари шикастланишини бирга келиши 18,3%, умуртқа суяклари ва қовурғалар сенишини бирга келиши 6,7%, сон суягини сениши 6,7%, елка суягини сениши 10,0%, жағ, тос, бош чаноғи, кураклар ва ўмров суягини шикастланиши 21,7% ҳолатларда қайд этилди).



1-расм. Нефротик асоратланган миеломали беморларида уремик белгиларнинг сони

Шу билан бир вақтда бош чаноғининг юз қисми, кураклар, умуртқалар, узун трубасимон суякларининг турли плазмацит ҳолатлари 13,3%ни ташкил этди. Бундан ташқари, суякларни шикастланиши турли даражада намоён бўлган оссалгия (93,4%), жисмоний фаолликнинг чегараланиши (100,0%), бўй узунлигини 3 см дан камга пасайиши (45,0%) ва қоматни бузилиши (30,0%) билан бирга кечди (2-расмга қаранг).



2-расм. Суяк-деструктив асоратлари бўлган КМ беморларидаги рентгенологик тадқиқот маълумотлари бўйича суякларни шикастланиш сони.

Тадқиқотнинг лаборатор ва асбоб-ускуналар билан текшириш натижалари миеломали беморларда оғир кечишни ривожланиши ва асоратларини башоратловчи маркерларни аниқлаш ва ташхисни ишончлилигини таъминлашга имкон берди. Жумладан БЕ ли текширилган КМ беморлари орасида ($n=60$), 71,7% моноклонал иммуноглобулин IgG ажралиб чиқиши аниқланган, моноклонал иммуноглобулин IgA (κ ва λ) эса фақат 7 (11,7%) ҳолатларда аниқланади. Бунда қайтмас тавсифга эга бўлган буйрақларнинг энг оғир бузилишлари IgA беморлари орасида аниқланди, бу эса оғир нефропатияни ривожланишида нохуш башоратловчи ҳавф маркерлари сифатида IgA ажралишини мавжудлигини аниқлашга имкон беради. Шу билан бир вақтда суяк-деструктив асоратларнинг оғирлиги IgG (κ ва λ) ларни ҳам, IgA (κ ва λ) ларни ҳам ажралиши билан ассоциацияланмади.

Шу билан бир қаторда, нефротик ва суяк-деструктив асоратлари бўлган КМ беморларида қонининг клиник таҳлили ўзига хос бўлган ўзгаришларни аниқлади. Демак, назорат гуруҳига нисбатан солиштирилганда IA ва IB кичик гуруҳларда гемоглобин концентрацияси 2,0 ($P_k < 0,001$) ва 1,9 ($P_k < 0,001$) мартага статистик ишончли пасайиши, эритроцитлар миқдори 2 мартага ($P_k < 0,05$), тромбоцитлар 2,12 ($P_k < 0,001$) ва 1,75 ($P_k < 0,001$) мартага, ЭЧТни тезлиги 7,6 ($P_k < 0,001$) ва 9,5 ($P_k < 0,001$) мартага камайиши, шунингдек суяк кўмигида плазматик хужайралар миқдорини 63,8 ($P_k < 0,001$) ва 65,8 ($P_k < 0,001$) мартага ортиши қайд этилди. Суяк-деструктив асоратлари бўлган КМ беморлар гуруҳини назорат белгилари билан солиштириш бўйича гемоглобин концентрациясини ўртача 1,4 ($P_k < 0,001$) мартага, эритроцитлар миқдорини 1,3 мартага ($P_k > 0,05$) камайиши, ЭЧТни 6,45 мартага тезлашиши ($P_k < 0,001$) ва суяк кўмигида плазматик хужайраларни 62,8 мартага ($P_k < 0,001$) ортиши қайд этилади (1-жадвалга қаранг).

КМ беморларининг II гуруҳида ҳам шунингдек қоннинг умумий клиник таҳлил кўрсаткичларини баҳолаш ўтказилди. Бунда ПА ва ПВ кичик гуруҳларида гемоглобин концентрацияси ($87,0 \pm 2,7$ г/л, $P_k < 0,001$ ва $85,8 \pm 2,7$ г/л, $P_k < 0,001$) ва эритроцитлар миқдори ($3,1 \pm 0,13 \times 10^{12}/л$, $P_k > 0,05$ ва $3,2 \pm 0,10$

$\times 10^{12}/\text{л}$, $P_{\kappa} > 0,05$) КМнинг I гуруҳ беморлари каби паст бўлиб чиқди, аммо бу худди шу каби бироқ буйрак асоратли КМ беморларига нисбатан кам даражада намоён бўлди.

1-жадвал

Нефропатия билан асоратланган КМ беморларида даволашгача қоннинг умумий клиник таҳлил кўрсаткичлари, $M \pm m$

Кўрсаткич	Текширилганлар гуруи		
	Назорат гуруҳи,	I гурупа (n=60)	
		I А кичик гуруҳ, (n=30)	I В кичик гуруҳ (n=30)
Гемоглобин, г/л	121,2±2,8	59,4±2,2***	64,0±1,6***
Эритроцитлар, $\times 10^{12}/\text{л}$	4,1±0,9	2,0±0,10*	2,1±0,09*
Тромбоцитлар, $\times 10^9/\text{л}$	242,2±9,2	114,1±13,1***	138,6 ±12,6***
Лейкоцитлар, $\times 10^9/\text{л}$	5,82±1,2	9,1±1,9	9,3±1,9
Лимфоцитлар, %	23±3,7	36,3±2,2**	36,4±2,2**
ЭЧТ, мм/с	5,3±1,1	40,2±5,0***	50,6±4,6***

Изоҳ: *- назорат кўрсаткичлари билан солиштирилганда ишончли (*- $P_{\kappa} < 0,05$; **- $P_{\kappa} < 0,01$; ***- $P_{\kappa} < 0,001$).

ПА ва ПВ кичик гуруҳлардаги беморларда тромбоцитлар ва лейкоцитларнинг миқдори меъёрий катталиклардан силжимади ва $195,0 \pm 16,1 \times 10^9/\text{л}$ ($P_{\kappa} < 0,05$) ва $192,1 \pm 15,5 \times 10^9/\text{л}$ ($P_{\kappa} < 0,05$), шунингдек $7,0 \pm 0,63 \times 10^9/\text{л}$ ($P_{\kappa} > 0,05$) ва $7,3 \pm 0,66 \times 10^9/\text{л}$ ($P_{\kappa} > 0,05$) ташкил этди. Аммо шунга қарамасдан, бу гуруҳдаги беморлар орасида тромбоцитлар миқдори (энг кам пасайиши $58,9 \times 10^9/\text{л}$ гача) ва лейкоцитлар (энг ками $2,6 \times 10^9/\text{л}$ гача, энг юқориси $13,4 \times 10^9/\text{л}$ гача) силжиши қайд этилди. Кичик гуруҳларда тромбоцитлар миқдори $31,2 \pm 1,6\%$ ($P_{\kappa} < 0,05$) ва $31,4 \pm 1,7\%$ ($P_{\kappa} < 0,05$) ни ташкил этди. Бунда КМли беморлар орасида уларнинг энг кичик сони 17%гача пасайган бўлса, энг юқори даражада ртиши 49%гача даражага эришди. Шу билан бир вақтда ПА ва ПВ кичик гуруҳларда ЭЧТнинг даражаси ўртача $35,0 \pm 4,9$ мм/с ($P_{\kappa} < 0,001$) ва $33,4 \pm 4,5$ мм/с ($P_{\kappa} < 0,001$) гача ошди (2-жадвалга қаранг).

IA ва IB кичик гуруҳ беморларида буйракдаги бузилишлар ва асосий патологик миелома жараёнларини намоён бўлиши қоннинг биокимёвий таҳлилидаги ўзгаришлар, шунингдек назорат белгилари билан солиштириш бўйича намоён бўладиган пешобдаги кўрсаткичлар билан ассоцирланди альбуминни 1,72 ($P_{\kappa} < 0,001$) ва 1,64 ($P_{\kappa} < 0,001$) мартага пасайиши; мочевина концентрациясини 6,3 ($P_{\kappa} < 0,001$) ва 5,5 ($P_{\kappa} < 0,001$) мартага статистик аҳамиятли ортиши; қолдиқ азотни 1,35 ($P_{\kappa} < 0,05$) ва 1,36 ($P_{\kappa} < 0,05$) мартага кўпайиши; креатининни 10,0 ($P_{\kappa} < 0,001$) ва 9,7 ($P_{\kappa} < 0,001$) мартага кўпайиши; калий ва Д-25 ОН даражасини 1,42 ($P_{\kappa} < 0,05$) ва 1,7 ($P_{\kappa} < 0,05$), шунингдек 1,39 ($P_{\kappa} < 0,05$) ва 1,7 ($P_{\kappa} < 0,05$) мартага пасайиши (3-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Назорат гуруҳидаги суяк-деструктив асоратлари бўлинган КМ беморларида қоннинг умумий клиник таҳлил кўрсаткичлари, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	Текширилганлар гуруҳи		
	Назорат гуруҳи,	Пгуруҳ (n=60)	
		II А кичик гуруҳ, (n=30)	II В кичик гуруҳ (n=30)
Гемоглобин, г/л	121,2±2,8	87,0±2,7***	85,8±2,7***
Эритроцитлар, $\times 10^{12}/л$	4,1±0,9	3,1±0,13	3,2±0,10
Тромбоцитлар, $\times 10^9/л$	242,2±9,2	195,0±16,1*	192,1±15,5*
Лейкоцитлар, $\times 10^9/л$	5,82±1,2	7,0±0,63	7,3±0,66
Лимфоцитлар, %	23±3,7	31,2±1,6*	31,4±1,7*
ЭЧТ, мм/с	5,3±1,1	35,0±4,9***	33,4±4,5***

Изоҳ: *- назорат гурут билан солиштириш бўйича ишончли (*- $P_k < 0,05$; **- $P_k < 0,01$; ***- $P_k < 0,001$).

Мазкур барча ўзгаришлар КМли беморларнинг ўрганилган кичик гуруҳларига мос ҳолда КФТни ўртача 6,8 ($P_k < 0,001$) ва 2,1 ($P_k < 0,001$) мартага пасайиши билан, 36,7% ҳолатларда пешобда Бенс-Жонс оқсилларини аниқланиши билан, умумий оқсил миқдорини 3,72 мартага статистик ишончли ортиши ($P_k < 0,001$) ва 3,43 мартага ($P_k < 0,001$) ортиши билан бирга кузатилди.

3-жадвал

Даволашгача бўлган вақтда нефропатия билан асоратлаган беморлар қонининг биокимёвий таҳлил кўрсаткичлари ($M \pm m$)

Кўрсаткичлар	Беморлар гуруҳи		
	Назорат гуруҳи, (n=80)	I гуруҳ (n=60)	
		I А кичик гуруҳ, (n=30)	I В кичик гуруҳ (n=30)
Умумий оқсил, г/л	78,21±2,4	84,2±6,2	93,2±4,5*
Альбумин, г/л	58,2±2,3	33,9±1,0***	35,4±0,93***
Умумий билирубин, мкмоль/л	20,0±3,2	11,5±0,68*	11,7±0,7*
АЛТ, бирлик	35,0±3,8	31,4±3,2	32,3±3,3
АСТ, бирик	35,0±3,6	31,1±3,4	30,8±3,4
Мочевина, ммоль/л	3,8±0,12	24,1±1,4***	20,1±1,3***
Қолдиқ азот, ммоль/л	7,1±0,9	9,6±0,64*	9,4±0,60*
Креатинин, мкмоль/л	64,6±2,1	644,4±54,7***	631,1±51,6***
Д-25ОН, пг/мл	30±2,4	18,0±0,84***	17,7±0,82***
Калий, мкмоль/л	4,3±0,02	6,1±0,05*	6,0±0,07*

Изоҳ: *- назоратдаги кўрсаткичлар билан таққосланганда ишончли (*- $P_k < 0,05$; **- $P_k < 0,01$; ***- $P_k < 0,001$).

Шу билан бирга IA кичик гуруҳидаги ультратовушли тадқиқот натижалари бўйича буйрақларни асбоб-ускуналар билан текшириш

маълумотларини баҳолаш, буйраклар ўлчамлари ва паренхимаси калинлигини ІВ (26,7%ва 26,7%) гуруҳидаги худди шу кўрсаткичлар билан солиштирилганда 1,25 (30,0%) ва 2,25 (64,0%) мартага унча катта бўлмаган камайиш сонини қайд этишини кўрсатди.

ПА ва ІВ кичик гуруҳларида (назоратга нисбатан солиштирилганда) қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари альбумин миқдорини 1,7 (34,1±0,93 г/л, P_к<0,001) ва 1,9 (30,2±0,69 г/л, P_к<0,001) мартага ишончли пасайгани; мочевино концентрациясини 4,0 (15,2±3,7 ммоль/л, P_к<0,01) ва 5,0 (19,1±5,0 ммоль/л, P_к<0,01) мартага ортиши; креатининни 1,8 (114,7±12,2 мкмоль/л, P_к<0,001) ва 1,85 (119,9±13,4 мкмоль/л, P_к<0,001) мартага кўпайиши; Д-25 ОН ни 2,0 мартага (15,5±1,0 пг/мл, P_к<0,001 и 15,7±1,0 пг/мл, P_к<0,001) ва кальцийни 1,43 (3,3±0,02 ммоль/л, P_к<0,01) и 1,35 (3,1±0,03 ммоль/л, P_к<0,05) мартага пасайиши билан тавсифланди (4- жадвалга қаранг).

4-жадвал

Даволашгача бўлган муддатда суяк-деструктив асоратлари бўлган КМ беморларида биокимёвий қон таҳлилининг кўрсаткичлари, (M±m)

Кўрсаткичлар	Беморлар гуруҳи		
	Назорат гуруҳи, (n=80)	Пгуруҳ (n=60)	
		П А кичик гуруҳ, (n=30)	П В кичик гуруҳ (n=30)
Умумий оксил, г/л	78,21±2,4	86,5±4,9	90,1±4,6*
Альбумин, г/л	58,2±2,3	34,1±0,93***	30,2±0,69***
Умумий билирубин, мкмоль/л	20,0±3,2	11,1±0,46*	11,5±0,48*
АЛТ, бирлик	35,0±3,8	18,4±4,9*	19,0±4,8*
АСТ, бирлик	35,0±3,6	13,7±3,1***	14,3±3,1***
Мочевина, ммоль/л	3,8±0,12	15,2±3,7**	19,1±5,0**
Қолдиқ азот, ммоль/л	7,1±0,9	4,3±0,52*	4,7±0,56*
Креатинин, мкмоль/л	64,6±2,1	114,7±12,2***	119,9±13,4***
Д-25ОН, пг/мл	30±2,4	15,5±1,0***	15,7±1,0***
Кальций, ммоль/л	2,3±0,01	3,3±0,02*	3,1±0,02*

Изоҳ: *- назоратдаги кўрсаткичлар билан таққосланганда ишончли (*-P_к<0,05; **- P_к<0,01; ***- P_к<0,001).

Мазкур тоифа беморлари пешобида Бенс-Жонс оксиди 20,0% ва 26,7% холатларида аниқланади, бунда оксидлар миқдори ПА ва ІВ кичик гуруҳидаги беморларга мос холда 1,34 (P_к<0,001) ва 1,2 (P_к<0,001) мартага ишончли ошди.

Шундай қилиб, нефропатияни оғирлик даражасини белгиловчи кўрсаткичларни КМ беморларида лаборатор-асбоб ускуналари билан текшириш натижалари ва клиник статусдаги юқорида келтирилган ўзгаришларни таҳлил қилиб, қуйидагилар аниқланди: коптокчалар фильтрацияси тезлигини пасайиши (КФТ 29 мл/дақиқадан кам), паренхима ўлчамларини (<12 мм) ва буйраклар ўлчамларини (<110x60 мм) камайиши, витамин Dни камайиши (20,0 пг/мл дан пастга), шунингдек суяк-деструктив оғирлигини белгиловчи кўрсаткичлар бўлиб, суяклар зичлиги (СЗ +20,7±2,2 гача), витамин D даражаси (20,0 пг/млдан паст) ва гиперкальциемия (2,85±0,01 ммоль/лдан юқори) бўлиб ҳисобланади.

Нефротик ва суяк-деструктив асоратлари бўлган КМ беморларини ҳаёт сифатини баҳолаш, назорат гуруҳига нисбатан солиштирилганда уни пасайганлигини аниқлашга имкон берди, у IA ва IB гуруҳида ижтимоий соҳада (SF), жисмоний (PF) ва руҳий саломатликда (PhF) пасайиш билан акс этган бўлса, шунингдек IIA ва IIB гуруҳларида эса деярли 2,0 ($P_k < 0,05$) ва 2,0 ($P_k < 0,05$) мартага, 2,0 ($P_k < 0,05$) ва 2,1 ($P_k < 0,05$) мартага, 2,2 ($P_k < 0,05$) ва 2,2 ($P_k < 0,05$) мартага, беморлар саломатлигини умумий статусини (ECOG) 2,9 ($P_k < 0,05$) мартага камайиш билан ифодаланди.

Юқорида келтирилган маълумотларни умумлаштириб, шундай хулоса қилиш мумкинки, КМ беморларида ўтказилган текширишлар беморларнинг бирламчи мурожаат қилишида оғир буйрак ва суяк-деструктив асоратларини ривожланишини башорат қилишга имкон берувчи клиник ва лаборатор-асбоб ускуналар билан текшириш омилларини аниқлашга имкон берди. Ўз навбатида бу КМ беморларини умумий яшовчанлиги ва ҳаёт сифатини оширишга олиб келувчи, режалаштирилаётган даволаш схемаси, беморларни индивидуал юритиш тактикасини белгилашда жуда муҳим ва зарур бўлиб ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Нефропатия ва синишлар билан асоратланган миеломали беморларни комплекс даволаш самарадорлигини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида КМ беморларида ўтказилган даволаш самарадорлигини ўрганиш натижалари тақдим этилган.

